

СИДҚИЙ ХОНДАЛИЙҚИЙНИНГ “РУСИЯ ИНҚИЛОБИ” ДОСТОНИДА ЎЛЧОВ

МАСАЛАСИ

Шаҳноза Муҳитдиновна Раҳмонова

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат

ўзбек тили ва адабиёти университети

катта ўқитувчиси, PhD

shahnoza.raxmonova86@gmail.com

Аннотация: мазкур мақолада “Русия инқилобида вазн масаласи, унда истифода этилган ўлчов имкониятлари таҳлил қилинди. “Русия инқилоби”даги вазн ва мавзу муносабати ўрганилди. Ўрни билан адабиётшуносликдаги мавжуд фикрларга муносабат билдирилди.

Калим сўзлар: аруз, достон, маснавий, мутақориб.

Сидқий Хондалийқийнинг асарлари орасида мутақориб баҳрида яратилган жангнома ва қаҳрамонлик достони бўлиб, “Русия инқилоби” деб аталади. У Русия инқилобий воқеаларини кенг эпик планда тасвир этувчи дастлабки асар. Озод Шарафиддинов ўзининг “Истибдод қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир” мақоласида Сидқий Хондайлиқий 1917 йилда “Русия инқилоби” деган достон ёзиб, унда чоризм тузумини чуқур таназзулга олиб борган ижтимоий сабабларни очиб берган, турли тоифалар ўртасидаги сиёсий кураш манзараларини ҳаққоний чизиб берганди. Шоир, айниқса, Русия империясидаги 1916–1917 йиллардаги вазиятни батафсил тасвирлайди, ҳатто рус давлатини бутун Европа назарида шармандаи шармсор қилган Григорий Раступиннинг кирдикорларини ҳам четда қолдирмайди, – деб таъкидлайди. Достоннинг айнан шу каби мавзуларни очиб бериши китобхон учун жуда муҳимдир.

Достон 48 бетдан иборат бўлиб, шундан “Гуфтори андар ҳамешаги” ва “Шўроройи исломия...” боблари форс-тожик тилида битилган. Асарнинг асосий матни ўзбек тилида яратилган. Асар муқаддима, ҳажми турлича бўлган 13 боб ва хулосадан ташкил топган. Маълум даражада асарнинг бошланишида анъанавийлик бор. Буни “Сабаби назми инқилоб” сарлавҳаси орқали ҳам билиш мумкин. Достон

Йўқ эрди манинг бу каби хоҳишим,

Ки йўқ эрди мундоғ иш ила ишим.

Ғарибу фақир у залилу ҳақир,

Эдим, лек йўқ эрдим у сиру далир,

Эдим ҳаминон касби ойин била,

Дилим шод эди сабру тамкин била

сингари байтлар билан бошланади. Достонда воқеалар кунма-кун тасвирланади. “Петроградда воқеалар нечун бошланди ва не равишда ўсди” деб номланган дастлабки бобида, асосан, февралдаги инқилобий воқеалар тасвири келтирилади. Сидқий Хондайлиқий буни бобда тўғридан-тўғри 23 февралдан “баногоҳ кўзғолди” деб хабар беради. Хусусан,

Йигирма учунчи фебрал аро,

Баногоҳ кўзғолди бу можаро

Қиёмат иши анда барпо бўлуб,

Хужум аҳлидин қўб алоло бўлуб.

Сигишмай тўлуб кўчау қўй аро,

Келур ўйлаким халқлар тўй аро.

(“Русия инқилоби”, 147)

Февраль инқилоби халқимиз учун мустабидликдан мустақилликка томон кескин бурилиш эди. Достон Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони вазнида ёзилган. Тўғри, “Садди Искандарий”гача ҳам ўзбек адабиётида мутақориб мусаммани маҳзуф, мутақориб мусаммани мақсур вазнларида достонлар яратилган. Лекин биз мавзу нуқтаи назаридан жангнома ва қаҳрамонлик бўлгани учун айнан “Садди Искандарий” достонини келтирдик...:

Достоннинг айрим байтлари мисраларида таслим ҳодисаси ҳам қўлланилган. Яъни вазн талаби билан сўзлар ўз ҳолида эмас, аксинча уларни вазнга мослаш учун бирон ҳарфни тушуриб қолдиради.

*Бу кун ҳуррият тоза ойин топиб,
 Ҳамма иш гўзал бўлди жойин топиб.
 Таврически ном ўрди қапусидо,
 Улуғлар турар эрдилар доимо.
 Йигирма еттинчи фебрал аро,
 Ҳамма эскилар тушти бир ҳол аро.*

(“Русия инқилоби”, 148)

Намуна учун келтирилган байтлар мисраларидаги **ҳамма**, **таврически**, **еттинчи** сўзларидан вазн талаби билан битта ҳарф тушурилиб, **ҳа(м)ма**, **та(в)рически**, **е(т)тинчи** тарзида ифодаланади.

“Русия инқилоби” достонининг ўлчов имкониятларини ўрганиш давомида вазн билан боғлиқ сакталиклар ҳам мавжудлиги ойдинлашди. Масалан, “**шаҳар**” сўзини “**шаҳр**” тарзида, “**Доброволски**” сўзларини эса вазн талабларига мос қўлламаган ҳолатлар учрайди.

*Шаҳрни кезиб юрди патрул баче,
 Ки қўзғамасун фитна ҳар бир касе.*

(“Русия инқилоби”, 148)

*Шаҳр бошилиги айлаб у сўзни рад,
 Ўзин уйида қолди ул муътамад.*

(“Русия инқилоби”, 149)

Ёки:

*Чу Доброволски уйидан чиқиб,
 Ўзин элчихонага олди қочиб.*

(“Русия инқилоби”, 152)

Кўринадики, Сидкий Хондаликийнинг “Русия инқилоби” достонида вазн нуқтаи назардан Фирдавсий анъанаси ўз ифодасини топган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қосимов Б. ва бошқ. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т.: МАЪНАВИЯТ, 2004. – Б.328.
2. Хондайликий С. Танланган асарлар. – Т.: МАЪНАВИЯТ, 1998. – Б.145.
3. Шарафиддинов О. Истибдод қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир//<https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/ozod-sharafiddinov-istibdod-qurboni-yoxud-ozligidan-mahrum-etilgan-shoir.html>
4. Rakhmonova Sh. Rubai metrics in Uzbek poetry in the second half of the twentieth century (in example of creativity of Khabibi, Sabir Abdulla, and Chusti) // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. 2019. Issue: 09 Volume: 77. – P. 142-146. Impact Factor: 4,9.